

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

## Х У К М

2022 йил апрель ойининг 19 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди, суд биносида, очик, суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья: **Т.К.Юсупов**,

судья ёрдамчиси Б.Турсунматовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шайхонтоҳур туман прокурорининг катта ёрдамчиси М.Бердикиличова, судланувчи А.Ибрагимов, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси “Shayxontohur advokatlari” адвокатлар ҳайъатининг адвокати У.Якубова ҳамда жабрланувчи Ю.Абдуллабековларнинг иштирокида, Ибрагимов Абдураззак Абдурасуловичга нисбатан 1-1003-2205/281-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

**Ибрагимов Абдураззак Абдурасулович (Ibragimov Abdurazzak Abdurasulovich)** – 31.07.1979 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 2 нафар фарзанди бор, Ўзбекистон қуёнчилик хўжаликлари ассоциацияси раиси, муқаддам судланган;

1) жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 19.12.2016 йилдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан қўзғатилган жиноят иши ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 01.12.2021 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 62-моддасига асосан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 11 ой 6 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

3) жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судининг 03.03.2022 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 62-моддасига асосан 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 10 ой 21 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, марказ-5 мавзеси, 67-уй, 16-хонадонда истиқомат қилувчи, иш бўйича “қамокқа олиш тарзидаги” эҳтиёт чораси қўлланган, 03.03.2022 йилдан қамокда сақланган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни



## А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи А.Ибрагимов хавфли рецидивист бўла туриб, ўзганинг мулкини алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2020 йил 28 октябрь куни, Шайхонтохур тумани, Самарқанд Дарвоза маҳалласи, Аричий кўчаси, 21-уй олдида бўла туриб, жабрланувчи Абдуллабеков Юсуфбек Улуғбек ўғлининг ишончига кириб, унга Россия Федерациясидан куён олиб келиб, биргаликда бизнес қилишликни ваъда қилиб, ундан жами 5.000 АҚШ (51.799.400 сўм) доллари миқдоридаги пул маблағини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, берган ваъдасини бажармай, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган А.Ибрагимов эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, қуйидагиларни, яъни у Ю.Абдуллабековни тахминан 2018 йилдан буён танишлигини, 2020 йил тахминан октябрь ойининг охирида таниши Ю.Абдуллабековга Россия Федерациясининг Омск шаҳридан куён олиб келиб, тирикчилик қилмоқчи бўлганлигини, ушбу тадбиркорликни биргаликда амалга оширишни таклиф қилганлигини, унга ўша вақтда бир олиб келишда тахминан 250 дона куён олиб келиб, ҳар бирининг нархи 20 АҚШ доллари билан бўлиб, уларнинг ҳар биридан 7 АҚШ доллари соф фойда қолиши ҳақида айтганлигини, шунда бир ойда бир олиб келинган куёнлардан тахминан 1.600 АҚШ доллари миқдорида фойда олишини айтганлигини, у Ю.Абдуллабеков билан олдин ҳам бирга тадбиркорлик қилиб келганлиги боис Ю.Абдуллабеков унга ишониб, 5.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағини берганлигини, Ю.Абдуллабековдан олган пул маблағларини Россия Федерациясидан куёнларни “ВЕСТА” номли корхона билан шартнома қилганидан сўнг, улар унга 1.500 дона куёнларни Тошкент шаҳрига юк автомашинасида олиб келиб топширганлигини, у куёнларни кўпчилигини Самарқанд вилоятидаги корхонага олиб келганлигини, лекин уларнинг кредити чиқмаганидан сўнг, куёнларни Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юлдузча кўчаси, 63-уйда яшовчи қариндошининг уйида бўлган молхонасига, товукхонасига тушириб қўйганлигини, олиб келинган куёнларни шарт-шароит бўлмаганлиги сабабли куёнлар нобуд бўлганлигини, шу билан Ю.Абдуллабековга куёнлар нобуд бўлганлигини айта олмаганлигини ва пулини қайтариб беришни ваъда берганлигини, шу билан Чилонзор туман ИИО ФМБ Тергов бўлимида унга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлигини, шундан сўнг Ю.Абдуллабековни пулларни қилиб бера олмаганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймондалигини, жабрланувчига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчини унга нисбатан даъвоси йўқлигини, бу каби ҳолат бошқа такрорланмаслигини, оилавий ва моддий шароитини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини баён қилиб, суддан енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатувлар берди.

Судланувчи А.Ибрагимов айбига тўлиқ иқрор бўлса-да, унинг айби қуйидагилар билан ўз исботини тўлиқ топади.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ю.Абдуллабеков қуйидагиларни, яъни у 2018 йилнинг декабрь ойида асосан куёнчилик ассоциацияси иши билан шуғулланган вақтида у ушбу ассоциацияси раҳбари А.Ибрагимов билан танишганлигини, А.Ибрагимов чет давлатлардаги ҳамкорлари билан мамлакатимизга куён олиб келиб, зотдор куёнларни кўпайтириш, сотиш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиши билан шуғулланишлигини, у эса ушбу



келишилган куёнларни мамлакатимизга олиб келиб бериш вазифасини бажарганлигини, 2020 йилнинг тахминан 20 октябрь куни унга А.Ибрагимов кўнғироқ қилиб, Россия Федерациясини ОМС шахридан 1.600 дона куён олиб келиш бўйича унга шерик бўлишини, унга 5.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағини беришини ҳамда ушбу берган маблағидан 1.600 АҚШ доллари миқдорида фойда қолишлиги ҳақида айтганлигини, унинг ушбу таклифига ўйлаб кўриб, жавоб беришини айтганлигини ва орадан бир неча кун ўтганидан сўнг, тахминан 2020 йилнинг 28 октябрь куни А.Ибрагимов билан уни уйига келганида, кўчада А.Ибрагимовнинг “Нексия-3” русумли автомашинасида унга аниқ номи эсида бўлмаган, бошқа давлатнинг куёнчилик фирмаси билан тузилган шартномани кўрсатиб, ушбу шартнома ишончли эканлигини, агарда шартномада куён олиб келишда иш қутилмаган ҳолат бўлиб қолса А.Ибрагимовнинг ўзи унга пулини қайтариб беришлигини айтганлигини, шунда у А.Ибрагимовнинг ўзига 5.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағини берганлигини ва А.Ибрагимов унга 5.000 АҚШ доллари миқдорида пул маблағини олганлиги бўйича тилхат ёзиб берганлигини, шундан сўнг орадан тахминан 15 кун ўтиб, унга А.Ибрагимовнинг ўзи кўнғироқ қилиб, тўртда босқичда олиб келиши керак бўлган куёнлардан биринчи босқичи, яъни 400 дона куён келганлигини, ушбу куёнларни унга таниш бўлмаган ва у гаплашмаган харидорнинг ўзига олиб бориб берганлигини, харидорни кредит олишини, у кредит олса уларни пулини беришлигини айтганлигини ҳамда шу важ билан 2021 йилнинг февраль ойига қадар пулларни бермасдан келганлигини, шунда А.Ибрагимовнинг куён ва харидор ҳақидаги гапларига ишонмаганлиги учун А.Ибрагимовга харидор билан у ҳам кўришиб гаплашишини айтганида унга ҳар хил баҳоналар қилиб, харидор билан ва куёнларни ҳам кўрсатмаганлигини, шунда А.Ибрагимовнинг ўзи айтган харидордан куёнларни қайтариб олишини айтганлигини, шу йилнинг март ойини охирида А.Ибрагимовнинг ўзи унга кўнғироқ қилиб, Фарғона вилоятидан бошқа харидор топганлигини, 240 дона куённи Фарғонадаги харидорга олиб бориб берганлигини, ушбу куёнларни неча пулдан сотганлигини айтмасдан, ушбу 240 дона куёнлардан уни берган пули чиқишлигини, харидорлар куёнларни пулини берганида унга пулини қайтариб беришини айтганлигини, шундан сўнг, орада кўнғироқ қилиб, Фарғонали харидордан ҳам куёнларни пулини олиш масаласида озроқ муаммо бўлаётганини, харидорларни пули кам бўлганлигини, озроқ вақт ичида харидорлар куёнларни пулини қилиб беришини, у эса пулни олиши билан дарров унга олиб келишини айтганлигини, лекин Фарғоналик харидорлар ҳақида ҳам унга ҳеч қандай маълумот бермаганлигини, орадан бир неча кун ўтганидан сўнг, унга А.Ибрагимов кўнғироқ қилиб, пулни бир қисмини харидордан олганлигини, ҳозир йўлда эканлигини, ярим кечаси бўлса ҳам унга олиб келиб беришини айтганлигини, шундан буён А.Ибрагимов уни олдига келмаганлигини, уяли телефони ҳам ўчиқ бўлганлигини, у билан боғланишни иложи бўлмаганлигини, ҳозирда унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, А.Ибрагимовга нисбатан ҳеч қандай моддий давоси йўқлигини баён қилиб, суддан судланувчи А.Ибрагимовга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Суд мажлисида судланувчи ва суд иштирокчиларининг розилиги билан судга номаълум сабабларга кўра келмаган гувоҳ К.Гапуровнинг дастлабки тергов даврида берган кўрсатмаси ўқиб эшиттирилди ва судланувчи томонидан тўлиқ тасдиқланди.



Юқорида таъкидлаб ўтилганлардан ташқари судланувчи А.Ибрагимовнинг содир этган жиноятдаги айби жиноят ишидаги жабрланувчининг судланувчига нисбатан қонуний чора кўриш ҳақидаги аризаси, тушунтириш хатлари, шахсни фото-суратдан таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ва унга илова қилинган фото-жадваллар, юзлаштириш баённомалари, кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фото-жадваллар, А.Ибрагимов томонидан ёзилган тилхат ва бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини тўлиқ топади.

Суд, судланувчининг жиноий ҳаракатларига юридик квалификациясига баҳо бериб, қуйидаги хулосага келди:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрь кунидаги **“Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”**ги 35-сонли қарори 3-бандида *“Фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёнки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради”* деб кўрсатилган.

Мазкур Пленум қарорнинг 4-бандида *“Фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлгон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади.*

*Фирибгарликда ёлгон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг ваколоти, нияти (масалан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида кўрсатиши) тааллуқли бўлиши мумкин.*

*Фирибгарликда жабрланувчини янглиштиришга қаратилган қасддан содир этиладиган ҳаракатлар жумласига, масалан, битим ёки тўлов предметини сохталаштириши, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўйнаш чоғида алдов усулларини қўллаш ва ҳ.к. киради”* деб кўрсатилган.

Шунингдек, Пленум қарорининг 22-бандида *“Мансабдор шахс томонидан у мансаб ваколоти йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли аслида амалга ошира олмайдиган муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун пул, қимматли қозғоз ва бошқа моддий қимматликлар олиниши, унда мазкур қимматликларни эгаллашга нисбатан қасд мавжуд бўлган тақдирда, фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим.*

*Агар шахс (шу жумладан мансаб ваколоти йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни аслида амалга ошира олмайдиган мансабдор шахс), гўёки мансабдор шахсга пора сифатида бериш учун пул ёки бошқа қимматликларни олиб, бироқ аслида бундай нияти бўлмасдан, уларни ўзлаштира, қилмиш фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим”* деб кўрсатилган.

Юқоридаги иш ҳолатлари, Пленум қарори кўрсатмаларидан келиб чиқиб, суд, судланувчи А.Ибрагимовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” яъни “фирибгарлик, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса” аломатлари билан тўғри малакаланган деб топади.



Суд, судланувчи А.Ибрагимовга жазо тайинлашда судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, унинг оилавий ва моддий шароитини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, жабрланувчига нисбатан етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини ЖК 55-моддасига кўра енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни ғараз ниятларда содир этилганлигини ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топди.

Шунингдек, суд судланувчи А.Ибрагимовга жазо тури ва миқдорини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, унинг судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, унинг оилавий ва моддий шароитини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, жабрланувчига нисбатан етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини инobatга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 5-қисми талабларидан келиб чиқиб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, судланувчи А.Ибрагимовга муқаддам жиноят ишлари бўйича Шахрисабз туман судининг 03.03.2022 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 62-моддасига асосан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 10 ой 21 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганлиги кўринади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисмига кўра, *“Агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг ана шу иш бўйича чиқарилган ҳукмга қадар содир этилган яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса ҳам жазо ўша тартибда тайинланади. Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми қўшилади”*.

Бундай ҳолатда суд ҳукм чиқарилганидан кейин судланувчи А.Ибрагимовни ҳукмга қадар содир этилган бошқа жиноятда айбли эканлигини инobatга олиб, унга нисбатан ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида жазо тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, суд иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона “DVD” дискни ва А.Ибрагимов томонидан ёзилган тилхатни иш ҳужжатларида сақланишини белгилашни лозим топади.

Суд, иш бўйича жабрланувчига етказилган моддий зарар унинг аризасига кўра, тўлиқ қопланган деб эътироф этишни лозим топади.

Шунингдек, суд манфаатдор томонларга моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига мувофиқ, суд ҳукм қилади,



## Х У К М:

**Ибрагимов Абдураззак Абдурасулович (Ibragimov Abdurazzak Abdurasulovich)** Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

**Ибрагимов Абдураззак Абдурасулович (Ibragimov Abdurazzak Abdurasulovich)**га Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” бани билан иш ҳақининг **20 фоизи** миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда **2 (икки) йил** муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасининг 8-қисмига асосан А.Ибрагимовга бир неча ҳукм юзасидан, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан, яъни жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судининг 03.03.2022 йилдаги ҳукмига кўра, ўталмай қолган жазони қисман қўшиб, узил-кесил ўташи учун **2 (икки) йил 6 (олти) ой** муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан А.Ибрагимовни 03.03.2022 йилдан 19.04.2022 йилга қадар қамоқда сақланган ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб, **А.Ибрагимовга** узил-кесил ўташ учун иш ҳақининг **20 фоизи** миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда **2 (икки) йил 1 (бир) ой 6 (олти) кун** муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросининг назорати А.Ибрагимовнинг яшаш жойи бўйича туман ИИО ФМБ бўлимининг зиммасига юклатилиб, жазо умумий асосларда шу турдаги жазоларни ижросини таъминловчи бўлими томонидан белгилаб бериладиган жойларда ўтатирилсин, жазони ўташ муддати маҳкум ишга жойлашган кундан бошлаб ҳисоблансин.

А.Ибрагимовга нисбатан қўлланган “қамоққа олиш тарзидаги” эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, унга нисбатан “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилсин ва қўлланган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин, А.Ибрагимов дарҳол суд мажлиси залида қамоқдан озод этилсин.

Жабрланувчига етказилган моддий зарар унинг аризасига кўра, тўлиқ қопланган деб эътироф этилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона “DVD” диск ва А.Ибрагимов томонидан ёзилган тилхат иш ҳужжатларида сақлансин.

Манфаатдор тарафларга судланувчидан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум томонидан эса унга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида, туман суди орқали Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига берилиши мумкин.

**Раислик қилувчи судья:** имзо

Нусхаси аслига тўғри, судья:

